



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 16 сентябрь, № 183 (6618)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Шу йилнинг 15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.



Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарган мажлисда жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, пухта тайёргарлик кўрилатгани таъкидланди.

Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси,

вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилди. Сайлов округлари рўйхати сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй.
Сайловчилар сони — 1 188 763 киши.
Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Андижон вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 32-уй.
Сайловчилар сони — 1 984 247 киши.
Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Бухоро вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 3-уй.
Сайловчилар сони — 1 265 163 киши.
Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳкўчаси, 70-уй.
Сайловчилар сони — 844 309 киши.
Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — “Фарҳод” маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 58-уй.
Сайловчилар сони — 641 380 киши.
Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй.
Сайловчилар сони — 1 771 067 киши.
Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи
Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй.
Сайловчилар сони — 2 373 738 киши.
Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси
Тошкент шаҳри,
2016 йил 15 сентябрь

М. АБДУСАЛОМОВ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Мажлисда тегишли вазирликлар ҳамда идораларнинг раҳбарлари, соҳа экспертлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев маъруза қилди.

Таъкидланганидек, иқтисодий диверсификация қилиш ва таркибий ўзгариш, ишлаб чиқаришга энг замонавий, илғор технологиялари жорий этиш орқали уни модернизациялаш жаҳон майдонида миллий иқтисодийнинг рақобатдошлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида мамлакат янги ички маҳсулотининг (ЯИМ) ўсиши 7,8 фоизни ташкил этиб, sanoat маҳ-

сулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 6,7 фоиз ошди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш, транспорт ҳамда коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал кўйилмалар ҳажмини 11,8 фоизга, пудрат-қурилиш ишлари ҳажмини 17,5 фоизга ошириш имконини берди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси, давлат бюджетининг янги ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити ва инфляция даражасининг пастлигини ифода этган макроиктисодий мутаносибликни

сақлаш орқали эришилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида Давлат бюджети ҳаражатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги таъминланиб, улар мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилди. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси масалалари диққат-эътиборда бўлди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича зарур муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмага эга бўлган 13 мингта янги тартибдаги ўй-жой қуришни ташкил этиш борасида чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айни пайтда 5,1 мингдан зиёд уйлар қуриб битказилди.

Муҳокамалар давомида депутатларнинг Давлат бюджети ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан берган саволларига ҳужумат вакиллари атрофлича жавоб бердилар.

(Давоми 2-бетда).

ЭНЕРГИЯ БАРҚАРОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Энергетика тизимини иқтисодийнинг қон томирига қиёслаш мумкин. Чунки соҳадаги мавжуд қувватлар электр энергияси билан ҳаракатга келиб, кундалик ҳаётимиз учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, аҳоли эҳтиёжини муҳим воситалар билан таъминлашга хизмат қилади. Шу боис мамлакатимизда мазкур тизимни ислоҳ этиш, иссиқлик электр станцияларини тубдан модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Натижада чет эл инвестициялари жалб қилинган ҳолда, дунёнинг етакчи компаниялари томонидан тайёрланган замонавий қурилмалар ҳамда технологик ускуналар амалиётга кенг татбиқ этилаётти. Бунинг самарасида сарфланмаган ёқилғи ҳажми қисқариши баробарида, электр қуввати ишлаб чиқариш микдори ошаётти. Бу, ўз навбатида, аҳоли ва sanoat тармоқларининг энергияга бўлган талабини узлуксиз қондириш имконини бермоқда. Жумладан, Наманган вилоятида мазкур йўналишда муайян ютуқлар қўлга киритилди.

— Кейинги йилларда вилоят иқтисодийнинг жадал тараққиё-

ти, шаҳару қишлоқларда қурилиш кўламининг кенгайиши, айниқса, янгида-янги тураржой массивлари қурилиши электр энергиясига эҳтиёжни кескин оширди, — дейди

ИСЛОҲОТ

“Наманган худудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятининг техник ишлаб чиқариш хизмати бошлиғи Аҳадхон Акбаров. — Масалан, бундан ўн беш йил аввал кунлик электр энергияси сарфи 7 миллион киловатт-соатни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтга келиб, бу кўрсаткич 9 миллион киловатт-соатдан ортди. Шундан келиб чиқиб, мавжуд подстанция-

лар ҳамда электр узатиш тармоқларини соз ҳолатда сақлаш, қўшимча қувват ва электр узатиш қурилмаларини қуриш ишларига алоҳида аҳамият қаратилаётти. Сўнгги пайтларда Наманган шаҳрида, Ўйчи туманининг Жийдақапа қишлоғида қўшимча равишда юқори қучланиш ли подстанция қуриб, фойдаланишга топширилган бўлса, қишлоқ жойларда бунёд этилган намунавий лойиҳалар асосидаги тураржой массивларини электр энергияси билан таъминлаш учун 25 километр узунликда электр узатиш тармоқлари тортилиб, 28 та мажмуада трансформатор пунктлари ўрнатилди.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

Бухорода “Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” мавзuida тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Ёшлар билан мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан вилоят ҳокимлиги ҳамда бир қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур акция давомида юртимизнинг кино, театр санъати вакиллари, шоир ҳамда ёзувчилар, хонандалар, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари қатнашди.

Тадбирларда мустақил давлатимизнинг Биринчи Президенти Исрол Каримовнинг Ватанимиз озодлиги, юрт равнақи, тинчлигини таъминлаш борасидаги фаолияти, ижтимоий ҳаётимизнинг эътирофи этилди. Халқимиз қалбидан чуқур жой олган бу буюк сиймонинг ҳаёт йўли бугунги ва келажак авлод учун ибрат мактаби вазирасини ўташи таъкидланди. Сўнгги чорак аср мобайнида эришилган оламшумул ютуқларимиз кўламини янада ошириш барчамизнинг бурчимиз эканлигига алоҳида ургу берилди.

— Бу учрашув бизда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Жондор туманидаги 27-умумтаълим мактаби ўқувчиси Муҳаммадхон Исмоилов. — Ижодкорлар, олимлар ҳамда санъаткорлар билан юзма-юз мулоқот давомида билим ва дунёқарашимиз бойиди. Таълим муассасамизда чуқур илм эгаллашимиз, бўш вақтимизни мазмунли ўтказишимиз учун барча қулайлик яратилган. Мазкур эътибор ҳамда ғамжўрликка яхши ўқиб, она-юртимизга муносиб фарзанд бўлиш билан жавоб берамиз.

Ёш авлодни юксак маънавий фазилатлар, умуминсоний кадрятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар шуурида ватанпарварлик ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш каби олжаноб мақсадларни ўз олдига қўйган тадбир вилоятнинг барча шаҳару туманида ана шундай кўтаринкиликда ўтди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Медаллар сони ўттизтага етди

Вакилларимиз XV Паралимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишмоқда.



Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ кучли ижтимоий сиёсат юритиб келинаётти, аҳолининг ҳар бир қатлами кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Бундай ғамжўрликдан баҳраманд ҳамюртларимиз илм-фан, маданият, тиббиёт, спорт, қўйинги, барча соҳада улкан ютуқларга эришиб, Ватанимиз номини дунё узра

янада кенг ёйишга муносиб ҳисса қўшаётти. Айни кунларда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтаётган XV Паралимпия ўйинларида вакилларимиз томонидан қайд этилаётган улкан натижалар бунинг яққол тасдиғидир. Нуфузли мусобақанинг еттинчи кунидан сўнг паралимпиячиларимиз жамғарган медаллар

сони 30 тага етди. Агар Риода 160 дан зиёд давлатнинг тўрт мингдан ортиқ вакиллари совринли ўринлар учун курашаётганини, яъни рақобат жуда кучли эканини инобатга олсак, спортчиларимиз қўлга киритган муваффақиятлар салмоғи янада ойдинлашади.

(Давоми 4-бетда).

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А. Шодмоннинг кўшимча маърузаси эшитилди.

Қайд этилдики, ҳисобот даврида жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифа ҳамда устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаш ва макроеқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берган. Давлат бюджети мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилган.

Мамлакатимиз Давлат бюджетининг 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижросини ҳар томонлама муҳофизат қилиш чоғида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари нўқтани назарлари ва фикрларини баён қилиб, бюджет маблағларидан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиш, бюджет ташкилотларида молиявий инти-

зомга амал қилиш, давлат органларининг мамлакатимиз Бюджет кодексига риоя этиш бўйича маъсулиятини ошириш юзасидан тавсияларини берди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг устувор йўналишлари бўлган кичик бизнеснинг ривожланишини кўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш муҳимлигини таъкидладилар. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бу борада қиймати 267,5 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан 305 та давлат активлари хусусий мулкдорларга сотилган. Кичик бизнес субъектларига 8,3 триллион сўмлик кредит ажратилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробар ўсган.

Шунингдек, фракция аъзолари томонидан билдирилган тақлиф ва тавсияларда тўғридан-

тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишни янада рағбатлантириш, хусусий мулкни, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун хом ашё ресурсларини очиқ биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини ошириш ҳамда шу орқали уларнинг харид имкониятларини янада кенгайтириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, экспортни диверсификация қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг юқори натижаларини алоҳида эътироф этдилар. Жумладан, йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 600 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилган.

Фракция вакиллари жойларда солиқ қонунчилигига ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан риоя қилинишини таъминлаш ва тақдим этилган имтиёз ҳамда преференциялардан самарали фойдаланиш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан мавжуд имкониятлар ҳамда резервлардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясидан сўзга чиққанлар мажлис иштирокчиларининг диққатини аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш масалалари, қолаверса, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилишига қаратдилар. Хусусан, 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида 462,5 мингта янги иш ўрни яратилганлиги, шундан 59,8 фоизи қишлоқ жойларда эканлигини эътироф этдилар.

Шу билан бирга, фракция аъзолари Бандлик дастури ижросининг таъминлигини юзасидан бир қатор тақлифлар киритдилар. Бунда, таъкидланганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Бандлик дастурининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш зарур.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш учун 4,4 триллион сўм, шунингдек, 111,0 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилганини таъкидлаб, мазкур дастурни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан доимий парламент назорати йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, фракция вакиллари ўз сайловолди дастурларидан келиб чиқиб, илм-фанни ривожлантиришга 82,7 миллиард сўм

сарфланганини эътироф этган ҳолда, йўналтирилган маблағлар мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этдилар. Депутатлар давлат илмий-техник дастурларининг устувор йўналишларини, тармоқлар бўйича фундаментал ҳамда амалий тадқиқотларни, бинобарин, инновацион ишланмалар дастурларини молиялаштиришнинг мақбуллаштирилишига доир тақлифлар билдирдилар.

Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари таъкидладиларки, атроф-муҳитни муҳофизат қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, жумладан, экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, замонавий ҳамда тоза технологияларнинг кенг жорий этилишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, депутатлар йўналтирилаётган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш ҳолда, табиати муҳофизат қилиш тадбирларининг самарадорлигини оширишни тақлиф қилдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳофизат давомида чиқариладиган фикр-мулоҳазалар ва тақлифларни инobatга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



Имконият ва изланишлар меваси

Сирдарё Гулистон шаҳридаги “Дадаев Зоир” хусусий тадбиркорлик субъекти бир йўла 20 та замонавий ускунага эга бўлди.

Юз тонналик босим кучига эга мазкур дастгоҳлар ёрдамида эндиликда пойабзалларга турли безаклар бериш мумкин. Шунингдек, унинг ички қисмига ёрлиқ ёзувини тушириш, оёқ кийимларини мавсумий қилиб тайёрлаш жараёнлари ҳам автоматлаштирилган ҳолда бажариладиган бўлди. Таглик учун пойабзал-

нинг чидамлилигини таъминлайдиган ҳамда унга беҳирим кўриниш берадиган полертан хом ашёсидан фойдаланиш йўлга қўйилганлиги эса маҳсулот харидорлигини таъминламоқда.

— Кунига 60 жуфтгача маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз, — дейди корхона раҳбари Зоир Дадаев. — Яқинда шахримиз худудидаги бўш турган бинолардан бири ихтиёримизга берилди. Бу эса фаолиятимизни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бир юз олтмиш турдаги маҳсулот

Навоий “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган “Navoiy — Beauty cosmetics” кўшама корхонасида 160 турдаги парфюмерия-косметика маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бунда Жанубий Кореядан келтирилган қиймати 1,3 миллиард сўмликдан ортиқ замонавий ускуналар қўл келмоқда. Уларни бошқариш учун 30 нафарга яқин маҳаллий мутахассислар жалб қилинди.

— Келгусида маҳсулотларимиз турини янада кўпайтириш ва уларни экспортга чиқаришни мўлжаллаяпмиз, — дейди кўшама корхона раҳбари ўринбосари Руслан Авезов.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Талаб ва эҳтиёж асосида

Жиззах турли замонавий касбларга бўлган эҳтиёж ҳам ортаётир. Шунинг учун марказимизда ўқиниш хоҳловчилар сони тобора кўпайиб бораёпти.

Айтиш керакки, ўтган йилги фаолият бошлаган мазкур оилавий корхонада бугунги кунда 18 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Болалар ва катталар учун мўлжалланган кийим-кечаклар аллақачон харидорлар эътиборига тушиб улгурди.

Толибжон ЭРГАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўркам қиёфа касб этди

Сурхондарё Термиз туманининг Учқизил кўрғонидagi маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси кўркам қиёфа касб этди. Бу ерда худуддаги “Боймурод-Термиз” хусусий корхонаси бунёдкорлари томонидан кенг қўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, иншоот иситиш ҳамда совитиш тизимлари билан таъминланди.

— Муассасамизга янги ўриндиқлар ўрнатилди, — дейди мазкур марказ раҳбари Шерали Холтурраев. — Асосийси, одамларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит яратилган. Таъкидлаш керакки, вилоят туманларида Инвестиция дастури доирасида ўндан зиёд ана шундай маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қайта таъмирланди.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Модернизация самараси

Хоразм Ҳазорасп тумани марказидаги тикувчиликка ихтисослаштирилган “Қилич-Амин-Ниез” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Яқинда тадбиркор Бахтиёр Қиличев раҳбарлик қилаётган ушбу корхонада 300 миллион сўм эвазига модерниза-

Дастурий вазифаларнинг амалий натижалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Агар 1994 йилда хорижий инвесторлар иштирокидаги бор-йўғи учта корхона фаолият юритиб, уларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси атиги 2 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бундай ҳўжалик юритувчи субъектлар сони 200 тадан, уларнинг ялли ишлаб чиқаришдаги улуши 80 фоиздан ортди, — дейди “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти бош мутахассиси Замира Юнусова. — Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 4 мартдаги “2015 — 2019 йиллар учун ишлаб чиқаришнинг тузилмавий қайта тузилиши, замонавийлаштириш ва диверсификациясини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони энгил санаот соҳаси ривожига катта туртки бўлди. Ушбу дастур доирасида биргина 2015 йилда умумий қиймати 170,8 миллион долларга тенг бўлган 33 та лойиҳа амалга оширилиб, 2685 та иш ўрни яратилди. Пировардида 41,4 минг тонна калава ип, 6,6 минг тонна трикотаж мато, 38 миллион жуфт пайпоқ ва пайпоқ маҳсулотлари, 16 миллион донга тайёр маҳсулот, 1 миллион квадрат метр ипакли мато, 3,3 миллион квадрат метр гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида яна 11 ана шундай истиқболли лойиҳа амалиётга татбиқ этилди. Бу эса хом ашёни чуқур қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, экспорт кўрсаткичларини яхшилашда асқатмоқда. Масалан, дастлабки пайтларда чет давлатларга умумий қиймати 7 миллион долларлик энгил санаот маҳсулотлари сотилган бўлса, 2015 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 1 миллиард доллардан ортди. Бу “Ўзбекенгилсаноат” АЖ тарихидаги экспортчи корхоналар сони 260 тадан, маҳсулотларимизни импорт қилувчи мамлакатлар эса 50 дан ошгани тўғрисида.

Тошкент шаҳрида “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган анжуманда шулар ҳақида батафсил маълумот берилди. Бинобарин, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, экспорт ҳажмини янада кўпайтириш бўйича галдаги устувор вазифалар муҳофизат қилинди.

Қайд этилганидек, 2020 йилга умумий қиймати 1 миллиард доллардан зиёд 60 та лойиҳа амалга оширилиши эвазига экспорт салоҳияти 2 баробар ортishi, 13 мингта иш ўрни яратилиши кўзда тутилгани диққатга сазовордир.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

ЭНЕРГИЯ БАРҚАРОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Норин туманининг Ҳаққулбод шаҳарчасида ишга туширилган қуввати 16 минг кВА (киловатт-ампер)га тенг икки трансформаторли “Қамолот” подстанцияси ҳам мазкур йўналишда амалга оширилган истиқболли лойиҳалардан биридир. Унинг рўёбига 6 миллиард 744 миллион сўмлик инвестиция йўналтирилди. Бу эса белгиланган тадбирларни ўз вақтида аяқуллаш, электр энергияси етказиб беришдаги узиллишларни камайтиришда кўл келди. Бундан, айниқса, мазкур иншоот хизматидан фойдаланаётган 10 минг 300 дан зиёд аҳоли хонадонлари аъзолари, 133 та санаот корхонаси жамоаси мамнун.

Таъкидлаш керакки, узокни кўзлаб ишлаб чиқарилаётган мақсадли дастурлар ижроси энергетика тизимини жадал ривожлантириш, соҳада янгидан-янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим омил бўлмоқда. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 24 ноябрдаги “2016 — 2019 йилларда Наманган вилояти санаот салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қароридан ҳам ушбу йўналишда қатор вазифалар белгилаб берилган. Унга мувофиқ, Турақўрғон туманида янги иссиқлик электр станциясини қуриш бўйича йирик инвестициявий лойиҳа ижросига киришилган.

Умумий қуввати 900

МВт бўлган ана шу станция “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти томонидан Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг узок муддатли молиявий кўмагида амалга оширилаёпти. Иншоот курилиши учун 91 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, айна пайтда бу ерда “Ўзбекэнерго” АЖ маблағи ҳисобидан инфратузилма объектлари қуриб битказилаётир.

Мазкур йирик лойиҳанинг афзал жиҳати шундаки, унинг доирасида ҳар бири 450 МВт қувватга эга иккита буг-газ қурилмаси, яъни тежамкор энергоблок ўрнатилади. Режа бўйича қурилиш ишлари уч йил давом этиб, ҳар иккита энергоблок ҳам 2019 йилнинг тўртинчи чорагида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Натижада йилга 730 миллион куб метр табиий газ тежаллиб, нафақат Наманган вилояти, балки Фарғона водийсининг электр энергияси таъминоти тубдан яхшиланади.

Шу ўринда соҳага жадвалик билан кириб келаётган инновацион технологиялар хусусида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Бу борада, айниқса, мўқобил энергия ресурсларини ўзлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар қутилган самарани бермоқда.

Гап шундаки, ўтган йили Поп туманида мамлакатимизда биринчи қўёш электр станцияси ишга туширилган эди. 130 киловатт қувватга эга иншоотда йил давомида синов-тажриба ишлари олиб-

рилди. Шу асосда мутахассислар бу ерда ўрнатилган қўёш панелларини худудларга жойлаштириш бўйича ўз хулосаларини берганларидан сўнг маз-



ганлик энергетиклар куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўришга ҳам устувор аҳамият қаратишарди. Жорий йўналишда белгиланган чора-

тадбирлар режасига асосан, ҳозирги кунгача вилоятдаги 0,4-110 кВли электр узатиш ҳаво тармоқларининг 1016,4 километрлик қисми, 6-10/0,4 кВли трансформатор пунктларининг 408 таси мукамал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 5134 километр узунликдаги узатиш тармоқлари, 1238 та трансформатор жорий таъмирланган бўлса, 86 та трансформатор пункти реконструкция қилинди. Яқин кунлар ичида мавсумга ҳозирлик ишлари ниҳоясига етказилиб, энергетика ҳўжалиги кишининг қорли-қировли кунларида самарали ишлаш учун шай этиб қўйилди.

ҳаракатлар бошлаб юборилгани бунга бир мисолдир. Ушбу йирик иншоот курилиши 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган бўлиб, бунинг учун 210 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция ўзлаштирилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, станция фойдаланишга топширилган, вилоят кунлик электр энергияси истеъмолининг бешдан бир қисми қайта тикланадиган энергия ҳисобига қопланади.

Айни кунларда наман-

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Қизиқарли ва фойдали машғулотлар

Мамлакатимиздаги “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказларида “Очиқ эшиклар кунини” тадбирлари бошланди.

ТАЪЛИМ

Навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларга хунар ўргатишда “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказларининг алоҳида ўрни бор. Шу босим бундай масканлар фаолияти мунтазам

такомиллаштириб борилаётир. — Марказимизда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 746 нафар ўқувчи тўғарак машғулотларида иштирок этади, — дейди “Баркамол авлод” республика болалар бадий ижодиёт маркази директори Дониёр Эрматов. —

Муассасамиз томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги бадий ижодиёт йўналишидаги марказлар услубчилари, тўғарак раҳбарларининг илғор тажрибаларини омаллаштириш, истеъдодли ёшларни кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда маҳаллалар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик янги самара бераёпти. Жорий ўқув йилидан бошлаб Шарк ми-ниатюраси, витраж ва миллий қўғирчоқлар тўғараклари ташкил

этилгани ушбу йўналишларга қизиқувчи болажонлар учун муносиб тўхфа бўлди.

Бугун мамлакатимизда 200 дан зиёд “Баркамол авлод” болалар ижодиёти марказлари фаолият юритмоқда. Мазкур масканлар минглаб ёшларни қамраб олган. Улар орасида нафақат республика, балки халқаро танловлар гоили-лари ҳам борлиги қувонарлидир. — Набирам Маржона 5 йилдан буён рақс ва бадий гимнастика, шунингдек, тўқмиш тўғаракга қатнашди, — дейди Чилон-

зор туманида яшовчи Дилбар Эшонқулиева. — Яна бир набирам Азизжон дурадгорлик, Муслима эса рақс сирларини иштиёқ билан ўрганмоқда. Уларнинг дарсдан бўш вақтлари самарали ўтаётганидан, қолаверса, хунар эгаллашаётганидан хурсандман.

Тадбир доирасида ота-оналар марказда фаолият кўрсатаётган тўғараклар, уларда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таништириляпти.


Мавжуда ХОЛМАТОВА.

БУГУН — ХАЛҚАРО ОЗОН ҚАТЛАМИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ КУНИ

1985 йилда Антарктика атмосфераси ҳолатини кузатиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари дунё экологлари...

ги ва иқлим мувозанати унинг бутунлигига боғлиқ. Зеро, бу юпка қатлам ерга тўшаётган қуёш радиациясининг қарийб 93 — 99 фоизини тўтиб қолиб, сайёрамиздаги жамики тирик организмни зарарли ультрабинафша нурлари таъсиридан асрайди...

САЙЁРАМИЗ ҚАЛҚОНИ



Экологларнинг фикрига кўра, XX асрнинг 50-йилларидан сўнг ҳавога сунъий органик хлор бирикмаларининг ҳаддан зиёд кўп чикарилиши озон қатламининг емирилишини тезлаштириб юборди...

дастури (ЮНЕП) ҳамда Бутунжаҳон метеорология ташкилоти маълумотларида келтирилшича, маиший, саноат ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида озонни емирувчи газлардан фойдаланиш босқичма-босқич камайиштирилган тўғрисидаги озон қатлами аста-секин тикланмоқда...

жуд бўлган маҳсулотларни ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни тақомиллаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди...

ган лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётгани муҳим омил бўлди, — дейди Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси бosh бoшқармасининг бosh мутахассиси Ноила Рустамова...

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА АҚШнинг "Proterra" компанияси томонидан электр энергиясида ҳаракатланадиган замонавий автобус яратилди.

Инновацион автобус



"Catalyst E2" номли моделга ўрнатилган инновацион батарея тўлиқ қувватлантирилганда автобус 500 километр масофани босиб ўтади...

Ноодатий об-ҳаво

Айни кунларда Фарбий ва Марказий Европада ноанъанавий об-ҳаво кузатилапти. Бу ҳақда "Евроњьюс" телеканали хабар тарқатди.

Аэропортлар фаолияти таҳлили



Ўтган йилда халқаро рейслар бўйича энг кўп йўловчилар ҳамда юкларни қабул қилган аэропортлар номи эълон қилинди.

Унга кўра, Бирлашган Араб Амирикларидаги Дубай халқаро аэроporti 77,5 миллион нафар кишига хизмат кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади.

Рекорд кўрсаткич

Мебель ва бошқа уй-жой жиҳозларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган дунёга машҳур "IKEA" компанияси учун август ойида якунланган жорий молиявий йил ниҳоятда омадли кечди.

Йирик метеорит топилди

Олимлар Аргентинанинг Ганседо шаҳрида фаройиб топилмага дуч келишди. Мазкур ҳудудда оғирлиги 30,8 тоннага тенг келадиган метеорит мавжудлиги аниқланди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИНТИЛИШ Учқўприк туманидаги "Меҳригиё" корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган 70 хилдан ортик доривор чойларга талаб катта.

Табиий гиёҳлар экспортга

Айниқса, Россия ҳамда хитойлик бюортомачиларга ушбу маҳсулотларнинг юз фоиз табиийлиги маъқул келмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлик субъекти ёрлиги остида 1 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот ички ва ташқи бозорга чиқарилди.

Ўзбек заминига муҳаббат ва касбга садоқат

Юртимизда узоқ йиллар фаолият олиб борган машҳур археолог олим, Япония миллий этнология музейининг фахрий профессори, "Дўстлик" ордени соҳиби, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси Кюдзо Като Сурхондарёда вафот этди.



макетлари, миллий либослар, рўзгор буюмлари кўрғазмаларини уюштириб, халқларимиз маданиятлари ўртасидаги ўзаро бир-бирини тўғри тушуниш муносабатларини янада чуқурлаштиришга кўмаклашди.

қандда "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидан давлатимиз раҳбари япон профессори минакаэмининг йирик тадқиқотчиси ҳисобланишини, унинг илмий фаолияти Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг биз учун номзўлм бўлган саҳифаларини очишга ёрдам берганини алоҳида таъкидлаган эди.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Қашқадарё вилоти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади. 2016 йил 4 октябр кунин соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

судининг 2011 йил 17 ноябрдаги 7776-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилоти, Олмалик шаҳри, Амир Темури кўчаси, 6-уйда жойлашган, қурилиш майдони 59,40 кв. м., фойдаланиш майдони 46,44 кв. м. бўлган 2 хонали 46-хонадон қўйилмоқда.

Медаллар сони ўттизтага етди



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

...Енгил атлетика аренаси. Хамюртимиз Александр Свечников найза отиш бўйича финал бахсларига киришди. Рақиблар ҳам анойи эмас, ўз ишининг усталари. Лекин Саша тажрибалироқ эканини исботлади. У улқтирган спорт предмети 65,69 метрга бориб тушди. Энг юқори натижа. Олтин медаль! Қолаверса, яна бир Паралимпия ўйинлари рекорди янгиланди.

Аёллар ўртасида ядро улқтириш бўйича ўз кучини синаб кўрган Сафия Бурхонова эса 15,05 метрлик кўрсаткич билан кумуш медалга сазовор бўлди. Худди шу йўналишда эркаклар ўртасида қатнашган Хусниддин Норбеков 15,17 метр натижага эришиб, учинчи ўринни эгаллади. Хабарингиз бор, мусобақанинг биринчи кўни Хусниддин жаҳон рекорди-

ни янгилаб, олтин медални кўлга киритганди. Демак, энди унинг шахсий ҳисобида иккита медал мавжуд.

50 метрга эркин усулда сузиш мусобақалари ҳам қизиқарли ва ҳаяжонли кечди. Муслимаҳон Одилова белгиланган масофани 28 сонияда босиб ўтиб, иккинчи бўлди. Унинг жамоадоши Шоҳсанам Тошпўлатова эса — учинчи. Спорт делегациямизнинг медаллар жағмармасига яна биттадан кумуш ҳамда бронза қўшилди. Этиборлиси, Муслимаҳон 100 метрга баттерфляй усулида сузишда ҳам иккинчи ўринни эгаллаган эди. Шоҳсанам эса 200 метрга комплекс усулда сузишда бронза медал билан тақдирланганди.

Эркалар ўртасида 50 метрга эркин сузиш бўйича Музаффар Турсун-хўжаев ҳам иккинчи бронза медалга сазовор бўлди.

У 100 метрга баттерфляй усулда сузишда учинчи натижани қайд этганди.

Айни пайтда медаллар жағмариш борасида делегациямиз таркибида Фотимаҳон Амилова пешқадамлик қилмоқда. Унинг ҳисобида олтин, кумуш ва бронза медаллари мавжуд.

Спорт делегациямиз ҳисобида эса 7 олтин, 6 кумуш ҳамда 17 бронза медал бор. Бинобарин, жаҳоннинг энг нуфузли мусобақаларидан бири саналган Паралимпия ўйинларида давлатимиз байроғи ўттиз марта кўтарилиб, мадҳиямиз етти бор янрагани қалбимизга чексиз гурур ва ифтихор ҳиссини бағишляпти.

Олдинда ҳали беллашувлар кўп. Шундай экан, галабаларимиз ҳам бардавом бўлсин, дея ният қилиб қоламиз.

Санджон МАХСУМОВ.

Илғор тажриба ва амалиёт

Самарқанд давлат тиббиёт институтида тиббий визуализация ва интервенцион радиологиянинг замонавий усулларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика радиологлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда АҚШ, Италия, Австрия, Чехия давлатларидан олим ва шифокорлар қатнашди. Анжуманда сўзга чиққанлар

юртимизда аҳоли саломатлиги, хусусан, оналар ҳамда болалар соғлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлиқа тўхталдилар. Шунингдек, мазкур йўналишда дунё мамлакатларининг етакчи клиниклари билан мустақам ҳамкор-

лик йўлга қўйилгани, шифокорларимиз замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналарини янада кенг қўллаш имкониятига эга бўлаётгани таъкидлаб ўтилди.

— Ушбу халқаро анжуманинг айнан Ўзбекистонда ўтказилаётгани бежиз эмас, — дейди Грац тиббиёт университети (Австрия) профессори Р. Рейтмюллер. — Айни пайтда мамлакатингизда радиология соҳасида энг илғор усуллар амалиётга татбиқ этилмоқда. Бугунги тадбир мазкур йўналишда кўлга киритилаётган

англикларни оммалаштириш ҳамда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тажриба алмашиш, шу билан бирга, ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Халқаро анжуманда соҳага оид ютуқларни амалиётда қўллаш ва илмий изланишлар самарадорлигини янада ошириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Мамандир ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАДАНИЯТ хабарлари

Ўзбекистон Бадий Академияси тасаруфидоги Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Санъат мактабининг янги биноси

Хозир бу ерда ёшлар рассомлик, каштачилик, гиламдўзлик, тикувчилик йўналишларида таҳсил олишмоқда. Мазкур муассасанинг янги биносини қуриш учун 6 миллиард 350 миллион сўм йўналтирилди.

— Масканимизда навқирон авлод вақилларининг тўлақонли билим олиши учун барча шарт-шароит муҳайё, — дейди мактаб директори Раъно Ҳалимова. — Бундан уларнинг ота-оналари ва жамоасини аъзолари ҳам жуда мамнун.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шоир хотирасига эҳтиром

Андижон вилояти марказида Чўлпон номидаги кўркем хиббон барпо этилди.

Унинг очилиш маросимида шоир ва ёзувчилар, меҳнат фахрийлари, корхона ҳамда ташкилотлар вақиллари қатнашди.

Хиббонда шоир хотирасига ҳайкал ўрнатилди. Замонавий фаввора ишга туширилди. Шунингдек, ушбу сўлим маскан жойлашган Чўлпон шоҳжўчасида 13 миллиард сўмлик ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Натижада янги хиббон нафақат ижод аҳлига илҳом бахш этувчи, балки аҳоли маданий ҳордиқ чиқарадиган тароватли гушага айланди.

Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 912 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқаролар диққати! «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭХТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СУРАЙДИ.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қондалари»га мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтish жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи оғоҳлантириш устуларини ҳамда белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасига қудуқлар қазिश, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **КАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазिश, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛИНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШЁР ВА ЭХТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазिश, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариш, алоқа кабелларининг зуллишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.



ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазिश ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати тугилса, кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг худудий бўлимига алоқа кабелли магистраль алоқа кабелли трассаси белгисига кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғлиқ телефон рақамлари:

«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси, Тошкент ш., Қозиларнов к., 29-уй	(0-595) 144-84-04, 170-84-04, (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи линия кабель цехи, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй	(0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-40
Иккинчи линия кабель цехи, Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй	(0-595) 199-19-32, 199-19-31
Тошкент шаҳар кабель участкаси, Хуштета 4-тор к., 4-уй	(0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-34
Пахта кабель участкаси, Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй	(0-595) 199-19-36
Учинчи линия кабель цехи, Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй	(0-595) 177-06-88 (0-595) 177-02-68
Ангрэн шаҳар кабель участкаси, Амир Темур к., 2-уй	(0-595) 177-06-64
Бекобод шаҳар кабель участкаси, Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй	(0-595) 177-06-64
«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси, Кўкон ш., Янги Чорсу к., 264-уй	(0-595) 400-03-79, 400-03-84 (0-373) 554-42-42, (соат 8.00 — 17.00) (0-373) 542-34-17, 542-21-66
Биринчи кабель участкаси, Янгийўл ш., Чустий к., 1-уй	(0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) (0-590) 556-05-58
Иккинчи кабель участкаси, Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй	(0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 400-03-98
Учинчи кабель участкаси, Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора	(0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (0-593) 400-40-25
Тўртинчи кабель участкаси, Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй	(0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 202-02-39
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси, Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор кўрғони	(0-595) 510-96-99, 510-10-09 (0-367) 227-16-20, (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи линия кабель цехи, Гулистон ш., Дўстлик кўрғони	(0-367) 227-00-44
Сирдарё кабель участкаси, Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи	(0-595) 510-10-17
Иккинчи линия техник цехи, Янгийўл ш., Тинчлик к., 1-уй	(0-595) 510-10-27
Учинчи линия техник цехи, Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй	(0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 510-10-41
Кабель участкаси, Даштбод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи	(0-595) 510-95-26
«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси, Булунгур ш., Самарқанд к., 18-уй	(0-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 (0-366) 442-68-03, (соат 8.00 — 17.00) (0-366) 442-68-15
«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси, Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй	(0-595) 600-12-02, (0-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00)
Линия кабель цехи, Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй	(0-365) 223-38-37, (0-595) 600-60-15 (0-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси, Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй	(0-595) 601-14-96, 601-11-85 (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 601-11-53, 601-12-29
Тўрткўл кабель участкаси, Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(0-595) 601-43-86
Тўрткўл кабель участкаси, Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(0-595) 601-43-84
Кўнғирот кабель участкаси, Кўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(0-595) 601-43-67 (0-595) 601-05-28,
Жаслик кабель участкаси, Кўнғирот тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей стан-си	601-14-97
«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси, Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй	(0-595) 501-11-02, 501-46-36 (0-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00)
Линия техник цехи, Денос ш., Ш.Темиров к., 4-уй	(0-376) 224-07-65, (0-595) 501-11-07 (0-376) 413-17-71, 504-02-11, 223-15-34
«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси, Карши ш., Хуснобод к., 1-уй	(0-595) 505-05-41, 505-02-62 (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00)
1-Линия техник цехи, Карши ш., Хуснобод к., 1-уй	(0-375) 221-17-25 (0-595) 505-05-23
2-Линия техник цехи, Ғузор ш., Ғузор к., 23-уй	(0-375) 505-05-13, (0-595) 506-81-68 (0-375) 552-11-67
«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси, Урганч ш., Дўсов к., 2-уй	(0-595) 602-22-18, 602-22-13 (0-362) 223-36-58,
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси, Навоий ш., Садоқат к., 2-«Б» уй	(0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01 (0-595) 610-07-05, (0-436) 224-74-21
Биринчи линия техник цехи, Каттақўрғон ш., Чағанқо кишлоғи	(0-595) 603-33-19, (0-366) 455-24-54
Биринчи кабель участкаси, Ғиждувон ш., Ғовшон кишлоғи	(0-595) 603-33-25
Иккинчи кабель участкаси, Учкудук ш., ДЭУ кўрғони	(0-595) 603-12-84, (0-436) 593-09-35
Нурота кабель участкаси, Нурота ш., Ш. Рашидов к., 32-уй	(0-595) 603-31-32, 610-69-89

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан сақланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улмурадов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6